

## ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ОДЕСТОН

**Препаратнинг савдо номи:** Одестон

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** гимекромон

**Дори шакли:** таблеткалар

**Таркиби:**

Бир таблетка қуидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* гимекромон – 200 мг;

*ёрдамчи моддалар:* картошка крахмали, желатин, натрий лаурисульфати, магний стеарати.

**Таърифи:** оқ рангли ёки сариқ тусли оқ рангли, бипланар, бир томонида “Ch” гравировкаси бўлган, думалоқ таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гурӯҳи:** сафро чиқариш йўллари касалликларини даволаш учун препаратлар.

**ATX коди:** A05AX02

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Ўт ҳайдовчи препарат. Ўт ҳосил бўлиши ва ажralиб чиқишини оширади. Ўт йўллари ва Одди сфинкторига нисбатан селектив спазмолитик таъсир кўрсатади (меъда-ичак йўллари (МИЙ) ҳаракатини сусайтиrmайди ва артериал қон босимни (АҚБ) пасайтиrmайди). Ўтни димланишини камайтиради, холестеринни кристалланишини ва шу орқали холелитиаз ривожланишини олдини олади.

#### Фармакокинетикаси

Препаратни ичга қабул қилинганида овқат ҳазм қилиш йўлларидан осон сўрилади, плазма оқсиллари билан кучсиз боғланади. Қон зардобида максимал концентрациясига 2-3 соатдан кейин эришади. Ярим чиқарилиш даври тахминан 1 соатни ташкил этади. Гимекромон буйраклар орқали (тахминан 93% глюкуронат кўринишида, 1,4% - сульфонат, 0,3% - ўзгармаган ҳолда) чиқарилади.

#### Қўлланилиши

Ўт чиқариш йўллари ва Одди сфинктерини гиперкинетик тури бўйича дискинезияси, калькулёт бўлмаган сурункали холецистит, холангит, холелитиаз; ўт пуфаги ва ўт йўлларида ўtkazilgan жарроҳлик аралашувларидан кейинги ҳолатларда қўлланилади. Иштаҳани пасайиши, кўнгил айниши, қабзият, қусишда (ўтни гипосекрецияси фонида) қўлланилади.

#### Қўллаш усули ва дозалари

Овқатдан 30 минут олдин ичга қабул қилинади; катталарга – 200-400 мг дан суткада 3 марта буюрилади.

Суткалик доза 1200 мг ни ташкил этади.

7 ёшдан бошлаб болаларга 200 мг дан (1 таблетка) суткада 1-3 марта буюрилади. Суткалик доза 600 мг ни ташкил этади.

Даволаш курси 2-3 ҳафтани ташкил этади.

Дозани қабул қилиш ўtkazib юборилганида, препаратни имкон борича тезроқ қабул қилиш, ёки агар кейинги қабул қилиш вақти яқинлашган бўлса, ўtkazib юборилган дозани қабул қилмаслик лозим. Икки марта юқори дозани бир вақтда қабул қилиш мумкин эмас.

## **Ножўя таъсиrlари**

Аллергик реакциялар; диарея, метеоризм, абдоминал оғриқ, МИЙ шиллик қаватида яра ҳосил бўлиши, бош оғриғи кузатилиши мумкин.

## **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Ўта юқори сезувчанлик. Ўт чиқариш йўлларини беркилиб қолиши, жигар/буйрак етишмовчилиги, яралি колит, Крон касаллиги, меъда ва 12 бармоқли ичак яра касалликлари, гемофилиядаги қўллаш мумкин эмас. 7 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

## **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Морфин гимекромоннинг таъсирини сусайтиради.

Метоклопрамид билан бирга қабул қилинганида ҳар иккала препаратнинг таъсирини сусайиши кузатилади.

Бевосита антикоагулянтларнинг самарасини кучайтиради.

## **Махсус кўрсатмалар**

### ***Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши***

Ҳомиладорлик ва лактация даврида гимекромонни қўллаш хавфсизлиги бўйича маълумотлар йўқ. Ҳомиладорлик ва лактация даврида Одестон препаратини она учун даволашдан кутиладиган потенциал фойда ҳомила ва бола учун потенциал хавфдан устун бўлган ҳолатлардагина буюриш мумкин.

### ***Транспорт воситалари, механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири***

Препарат транспорт воситаларини бошқариш ва диққатни юқори даражада жамлаш ва психомотор реакциялар тезлигини талаб этувчи бошқа потенциал хавфли фаолият турлари билан шуғулланиш қобилиятига таъсири кўрсатмайди.

### ***Қўллашдаги эҳтиёткорлик чоралари***

“Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар” ва “Транспорт воситалари, механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири” бўлимларига қаранг.

### ***Ишлатилмаган дори препаратини йўқотишида махсус эҳтиёткорлик чоралари***

Дори препаратини канализацияга ёки уйдаги чиқиндишлар учун контейнерга ташлаш мумкин эмас. Ишлатилмаган препаратни қандай утилизация қилиш юзасидан фармацевтдан сўранг. Ушбу чоралар атроф муҳитни химоя қилишга ёрдам беради.

## **Дозани ошириб юборилиши**

Одамларда дори воситасининг дозасини ошириб юборилишига тегишли маълумотлар йўқ.

## **Чиқарилиш шакли**

Таблеткалар 200 мг дан. 10 таблеткадан ПВХ/алюминий блистерларда.

2, 5 ёки 10 блистерлардан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон кутиларга жойланади.

## **Сақлаш шароитлари**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

## **Яроқлилик муддати**

4 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**  
Рецептсиз берилади.

**Рўйхатдан ўтказилганлик гувохномасининг эгаси ва ишлаб чиқарувчи**

Adamed Pharma S.A.

Pieńsków, ul. Mariana Adamkiewicza 6A, 05-152 Czosnów, Польша / Polsha

**Ишлаб чиқариш майдони манзили**

ul. Marszałka Józefa Piłsudskiego 5, 95-200 Pabianice, Польша / Polsha

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар  
(таклиф) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**

“Adamed Pharma S.A.” АЖ Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод тумани, Шахрисабз 2-тор қўч. 6

Тел.: +99855 520-36-76

e-mail: [info.uz@adamed.com](mailto:info.uz@adamed.com)